

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА  
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.29.12.2018.V.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КУДЕШОВА ГУЛЧЕХРА ТЕНГЕЛБАЕВНА**

**ТОКСИК АНЕМИЯ ШАРОИТИДА ЎСАЁТГАН ОРГАНИЗМНИНГ  
ИНГИЧКА ИЧАГИДАГИ УГЛЕВОДЛАР АССИМИЛЯЦИЯСИ**

**03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Кудешова Гулчехра Тенгелбаевна**

Токсик анемия шароитида ўсаётган организмнинг ингичка ичагидаги углеводлар ассимиляцияси.....3

**Кудешова Гулчехра Тенгелбаевна**

Ассимиляция углеводов в тонкой кишке растущего организма при токсической анемии.....21

**Kudeshova Gulchekhra Tengelbaevna**

Assimilation carbohydrates in the small intestine of growing organism at toxic anemia.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works.....42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА  
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.29.12.2018.V.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КУДЕШОВА ГУЛЧЕХРА ТЕНГЕЛБАЕВНА**

**ТОКСИК АНЕМИЯ ШАРОИТИДА ЎСАЁТГАН ОРГАНИЗМНИНГ  
ИНГИЧКА ИЧАГИДАГИ УГЛЕВОДЛАР АССИМИЛЯЦИЯСИ**

**03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/B148 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.ibb-nuu.uz](http://www.ibb-nuu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим тармоғида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Кучкарова Любовь Салижановна</b> биология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Курбанов Шониёз Курбанович</b> биология фанлари доктори, профессор
	<b>Саидов Аълонур Бахтинурович</b> тиббиёт фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Самарқанд давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институтини ҳузуридаги DSc.29.12.2018.B.01.13 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй (Ўзбекистон Миллий университети, Кимё факультети биноси 4-қавати). Тел.: (+99871) 246-68-96.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институтини ҳузуридаги Ахборот-ресурс марказда танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (+99871) 246-68-96, e-mail: [ibb-nuu@mail.ru](mailto:ibb-nuu@mail.ru).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2019 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Сабилов Равшан Заирович**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси б.ф.д., академик

**Асраров Музаффар Исламович**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.д., профессор

**Рахимова Тўраҳон Узоқовна**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда дунё миқёсида антропоген юкламалар меъёрдан ортиб кетган ҳудудларда аҳолининг анемияга чалиниши кўпайиб бормоқда<sup>1</sup>. Атроф-муҳитдаги анемияни келтирувчи токсикантларнинг кўпчилиги озуқа ва ичимлик сув таркибида бўлиб, ҳазм йўлининг структура ва функцияларига таъсир қилмоқда. Гемоинтоксикацияда озуқа таркибидаги углеводлар энергетик захираларнинг сафарбар этилишида асосий экзоген манба сифатида хизмат қилади. Бу борада, овқат ҳазм қилиш тизимида углеводлар ҳазм бўлиши динамикасини токсик анемияда аниқлаш ва негатив функционал ўзгаришларни озуқа қўшимчалар қўллаш ёрдамида коррекциялаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида ҳозирги кунда илмий тадқиқотлар амалиётида аниқланганки, ингичка ичакнинг шиллиқ қавати турли кимёвий омилларнинг таъсирига ўта сезгир тузилма эканлиги асосланган. Бу борада, гемотоксикантларнинг таъсирида мальнутриция, мальдегистия ва мальабсорбцияларнинг ривожланиши, энтерал дисахаридазаларнинг проксимо-дистал градиентнинг силжиши, ингичка ичак эпителиоцитларда переоксидли оксидланишни фаоллашуви аниқланган. Гемолитик моддалар токсик таъсири молекуляр механизмларида энергетик гомеостази ўзгаришининг аҳамияти ёритилган.

Ўзбекистонда бугунги кунда анемия билан курашиш бўйича кенг камровли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва уларни амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>2</sup> «... оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгрок амалга ошириш» вазифалари белгиланган. Мазкур вазифани амалга оширишда ўсаётган организмда токсик анемияда углеводларнинг ассимиляциясини фундаментал асослаб бериш ва коррекциялаш учун воситаларни аниқлаш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги, 2018 йил 7 декабрь ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармонларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий

<sup>1</sup> Honda. T., Pun Y.C., Manjourides I., Suh H. Anemia Prevalence and Hemoglobin Levels are Associated with Long-Term Exposure to Air Pollution in an Older Population// Environ. Int. - 2017. - V. 101. - P. 125–132.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Кейинги йилларда гемолитик моддаларнинг турли функционал тизимларга таъсирини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. А. Gomollón, J.P. Gisbert (2009) томонидан гемоинтоксикация ва овқат ҳазм қилиш касалликлари (мальабсорбция, мальдигестия, мальнутриция ва бошқ.) ўртасида сабаб-оқибат алоқалари мавжудлиги исботланган. Гемолитик моддаларнинг эритропоэз, эритроцитлар осмотик чидамлиги ва иммун, нафас, айирув тизимлар функционал хусусиятларга таъсири етарлича кенг ўрганилган бўлиб (Назаров, 1995; Лазарева ва бошқ., 2003; Шпакова, 2009; Аумолдаева, 2016), интоксикацияда келиб чиққан негатив силжишларни тузатишга қаратилган изланишлар кўпайиб бормоқда (Старченков и др., 2010; Anwar et al., 2013).

Республикамізда Б.А. Содиқов бошчилигида кўрғошин, кадмий ва маргимуш тузларини ўсаётган, етук ва қари каламушлар ичак карбогидразалари проксимо-дистал градиенти бўйича тақсимлашига таъсири аниқланган ва интоксикацияда кузатилган патологик силжишларни тузатишда юқори оксилли диетанинг ижобий таъсири кўрсатилган (2009; 2011; 2014). Н.А. Эргашев ва бошқ. (2010; 2011) томонидан гемотоксик хусусиятга эга бўлган кадмий иони таъсирида меъда ости беши массасининг ошиши, орган тўқимасида оксилнинг миқдори ва  $\alpha$ -амилолитик фаоллигининг ошиши ҳамда фермент секрециясининг камайиши аниқланган. Урғочи каламушларда бундай силжишлар эркак каламушларга нисбатан кўпроқ ифодаланган.

Бироқ кимёвий стрессга нисбатан ўта реактив бўлган ўсаётган организмда гемолитик моддаларнинг углеводлар бўшлиқ ва мембрана гидролизига, ҳамда овқат ҳазм қилиш тизимининг морфофункционал ўзгаришларига таъсири илк постнатал онтогенезда ўрганилмаган.

Токсик анемияда ингичка ичакда углеводлар ассимиляцияси бошланғич босқичларни ўрганиш гемолитик моддалар таъсирида озуқа моддалар бўшлиқ ва мембрана гидролизининг босқичларидаги физиологик ўзгаришларни чуқурроқ тушуниш ва аниқланган силжишларни олдини олиш (ёки тузатиш) учун адекват препаратларни аниқлаш зарурлиги билан боғлиқ.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-5-03 «Меъда ичак трактининг экотизимнинг индивидуал эволюцияси ва экологик ифлосланган озуқа» (2011-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси ва Ўзбекистон Миллий

университетининг «Одам ва ҳайвонлар физиологияси» кафедрасининг «Организмдаги моддалар ва энергия алмашинув жараёнига турли биологик фаол моддаларнинг таъсири» мавзуси (2012-2016) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** токсик анемия шароитида ўсаётган организмнинг ингичка ичагидаги углеводлар ассимиляциясини ўзгаришлари ва уларни коррекциялаш воситаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

углеводларнинг бўшлиқ ва мембрана гидролизига гемолитик моддаларнинг бир маротабали инъекциясининг таъсирини аниқлаш;

углеводларнинг бўшлиқ ва мембрана гидролизига гемолитик моддаларнинг сурункали таъсирини баҳолаш;

токсик анемияда айрим ҳазм аъзоларидаги гистологик, биокимёвий ва микробиологик кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

токсик анемияда углеводлар ассимиляциясига пектин ва экдистероннинг коррекцияловчи таъсирини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўсаётган каламушлар, фенилгидразин гидрохлорид, кўрғошин ацетат, меъда ости бези, ингичка ичак, йўғон ичак, ингичка ичак химуси, қон,  $\alpha$ -амилаза, мальтаза, сахараза, трегалаза, лактаза, эритроцитлар, гемоглобин, метгемоглобин, меъда ости бези ва ингичка ичак гистоструктураси, липидларнинг перекисли оксидланиши, энтерал микрофлора танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** токсик анемияда бўшлиқ ва мембрана гидролизининг ривожланиши, гемолитик моддалар таъсирида ҳазм органларининг гистоструктураси ва ичак эндоэкологиясининг ривожланиши, токсик анемияда углеводлар ассимиляциясининг коррекцияси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқотида физиологик, биокимёвий, гистологик, микробиологик ва статистик усулларидан фойдаланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

гемолитик моддаларнинг бир маротабали инъекцияси ҳазм карбогидразалар фаоллигининг ошишига, яъни углеводлар гидролитик тизимларида ўткир гемоинтоксикациясига жавобан адаптацион-компенсатор реакциясининг ривожланиши аниқланган;

токсик анемияда меъда ости безида  $\alpha$ -амилаза инкретиясининг ошиши ва секрециясининг камайиши, ацинусларда вакуолизация ва агрегацияларда ифодаланувчи панкреатик етишмовчилигининг ривожланиши исботланган;

гемолитик моддаларнинг сурункали таъсири энтерал  $\alpha$ -глюкозидазалар фаоллигининг камайиши, шиллиқ қаватининг гипотрофияси ва ингичка ичакда гидролитик сифими камайиши ҳамда йўғон ичакда мегаколон, копростаз ва дисбиоз ривожланиши асосланган;

токсик анемияли ҳайвонларга пектин ва экдистерон берилиши ингичка ичакда углеводлар ассимиляцияси ва ўсаётган ҳайвонларда ўсиш суръатларининг меъёрлаштирилиши аниқланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

интоксикацияланган ҳайвонларда меъда ости бези  $\alpha$ -амилаза фаоллигининг ичак химусда камайиши, қонда эса ошиши, яъни токсик анемияда панкреатит белгиларнинг ривожланиши аниқланган;

энтерал гидролитик етишмовчилиги, мегаколон, копростаз ва дисбиоз сингари ҳазм йўлидаги силжишларни токсик анемияни даволашда инобатга олиш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

токсик анемияли ўсаётган ҳайвонларга пектин ва экдистерон берилишининг ингичка ичакда углеводлар ассимиляциясини оптималлаштируви аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** статистик қайта ишлаш учун ҳайвонлар миқдори ва анализлар сони етарлилиги билан асосланади. Тадқиқот ишида қўлланилган бирламчи материални йиғиш ва қайта ишлаш услублари адекват бўлиб, бир-бирини тўлдириб туради. Олинган натижалар мавжуд далилларга зид эмас ва бошқа тадқиқотчиларнинг маълумотлари билан таққосланган. Солиштирилган кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончилигини статистик таҳлил қилиш учун Excel дастури ва OriginPro7,5 (OriginLab Corporation, АҚШ) дастурий пакети қўлланилди. Натижалар ишончилигини Стъюдент коэффиценти (t) ва ишончилик даражаси (P) ёрдамида аниқланди.  $P < 0,05$  дан кичик бўлганда натижалар статистик жиҳатдан ишончли деб қабул қилинди. Натижаларнинг ишончилиги мутахассисларнинг баҳолари, тадқиқот фрагментларнинг республика ва халқаро конференцияларда муҳокама қилиниши билан асосланган.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фенилгидразин гидрохлорид ва кўрғошин ацетатнинг углеводлар бўшлиқ ва мембрана гидролизига, панкреатик секрецияси ва инкрециясига, меъда ости бези ва ингичка ичакнинг гистологик тузилиши ҳамда йўғон ичак микрофлораси ва моторикасига таъсир этиш таснифи ёшга оид гастроэнтерологияда мавжуд илмий тассавурларни кенгайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўсаётган организмнинг токсик анемиясида пектин ва экдистерон поли- ва олигосахаридларнинг гидролизига коррекцияловчи таъсири билан асосланган. Демак, мазкур фитопрепаратлар амалий гастроэнтерологияда ўсаётган организмда меъда ости бези ва энтерал етишмовчилигининг меъёрлашуви учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Токсик анемия шароитида ўсаётган организмнинг ингичка ичагидаги углеводлар ассимиляцияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

экдистероннинг таъсирида ичак эпителиоцитлардаги рўй берган метаболитик стабиллашуви бўйича натижалар ФА-Ф5-Т084 рақамли «Митохондриялар ион транспорти ва метаболитик жараёнлар биорегуляторларининг меъёр ва патологиядаги таъсирини тавсифлаш» лойиҳасида хужайра функциясида митохондриялардаги  $Ca^{2+}$  га боғлиқ мегапорани тутган ўрнини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон

Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 10 майдаги 4/1255-1210-сон маълумотномаси). Натижада экдистерон митохондрияларда мегапора фаоллигини ингибирлаши орқали, мембрана ва хужайравий жараёнларни стабиллаштириш имконини берган;

пектиннинг ўсаётган организм гемотоксикациясида ҳазм жараёнини меъёрлаштирилиши бўйича натижалар Қорақалпоғистон Республикаси фермер хўжалигида паррандаларни боқишда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2018 йил 6 сентябрдаги 01/01-2132-сон маълумотномаси). Натижада пектинни берилиши паррандалар томонидан озукани истеъмолини ошириш ва тана массаси ортиш суръатларини тезлаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 13 та республика ва 5 та халқаро илмий симпозиумларда муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Анемиянинг сабаблари ва ингичка ичакдаги углеводлар ассимиляцияси ҳақида замонавий тасаввурлар**» биринчи бобида гемолитик анемиянинг умумий таърифи ҳамда гемолитик моддаларнинг токсик анемиянинг ривожланишига таъсири ҳақида кенг адабиёт маълумотлари келтирилган. Ингичка ичакдаги углеводлар бўшлиқ гидролизи, мембрана гидролизи ва уларни бошқарувчи омиллар ҳақида замонавий тасаввурлар тавсифланган. Атроф-муҳитдаги гемолитик моддаларнинг ҳазм жараёнига, жумладан, углеводлар бошланғич ва сўнгги гидролиз босқичларига таъсири етарлича ўрганилмаганлиги таъкидланган.

Диссертациянинг «**Токсик анемияда углеводлар ҳазм бўлишини ўрганиш усуллари**» иккинчи бобида тадқиқотда фойдаланиладиган ҳайвонлар, экспериментлар схемаси, токсик анемияни моделлаштириш усуллари, коррекциялаш учун қўлланилган моддаларнинг таснифи, қонда

эритроцитлар сони, гемоглобин (Hb) ва метгемоглобин (MetHb) миқдорини аниқлаш, меъда ости беши ва ингичка ичакдан ферментатив фаол ва гистологик препаратларни тайёрлаш усуллари тавсифланган, панкреатик  $\alpha$ -амилаза, энтерал дисахаридазалар, каталаза фаоллигини аниқлаш, меъда ости беши ва ингичка ичак гомогенатида малон диальдегид ва оксил миқдорини аниқлаш усуллари тавсифланган ҳамда олинган натижаларни статистик жиҳатдан қайта ишлаш усуллари баён қилинди.

Диссертациянинг «**Экспериментал токсик анемияда углеводлар ассимиляциясининг силжиши ва унинг коррекцияси**» учинчи бобида гемолитик моддаларнинг бир маротаба ёки сурункали берилишининг углеводлар бўшлиқ ва мембрана гидролизига ва ҳазм органларнинг бошқа морфометрик кўрсаткичларга таъсири ва токсик анемияда углеводларнинг бошланғич ва сўнгги гидролиз босқичларини пектин ва экдистерон ёрдамида коррекциялаш ҳақида маълумотлар келтирилди.

*Ўсаётган каламушларга гемолитик моддаларнинг бир маротабали инъекциясининг ингичка ичакдаги углеводлар ассимиляциясига таъсири.* Экспериментларнинг мазкур қисми гемотоксикантларнинг бир маротабали 12 кунлик каламушларга инъекциянинг қон кўрсаткичларига ва углеводларнинг бўшлиқ ва мембрана гидролизининг ривожланиш динамикаси беш кеча-кундуз давомида 12-кунлик ўсаётган каламушларда ўрганилган.

*Қон кўрсаткичлари.* Аниқландики, фенилгидразин гидрохлорид (80 мг/кг) ва кўрғошин ацетат (25 мг/кг) ларнинг бир маротабали инъекцияси таъсирида қонда эритроцитлар ва Hb миқдори олдин ошиб, экспериментнинг охирида эса камайди. Фенилгидразин гидрохлорид юборилгандан кейин эритроцитлар сони тажрибанинг 96- ва 120-соатларида назорат катталикларга нисбатан мувофиқ равишда 70,7 ва 85,9% ни ташкил этди. Hb миқдори эса экспериментнинг 3-, 4- ва 5-кунлари назоратга нисбатан 84,8; 74,4 ва 78,1% ни ташкил этди. Бу гуруҳдаги каламушларда бутун тажриба давомида метгемоглобинемия қайд этилди.

Кўрғошин ацетат инъекциясидан кейин каламушларда эритроцитлар сони назорат катталикларга нисбатан экспериментнинг 96- ва 120- соатларда 72,1 ва 85,1% ни, Hb миқдори эса тажрибанинг 3-, 4- ва 5- куни мувофиқ равишда 83,4; 79,3 ва 81,1% ни ташкил қилди. MetHb миқдорининг ошиши бу ҳолда кузатувларимизнинг 72-соатгача қайд этилди.

*Бўшлиқ гидролизи* углеводларнинг бошланғич гидролизида иштирок этувчи меъда ости беши гомогенатдаги  $\alpha$ -амилазанинг фаоллиги асосида баҳоланди.

Натижалар кўрсатдики, фенилгидразин гидрохлорид инъекцияси таъсирида фермент фаоллигининг ошиши экспериментнинг 24-соатидан бошланиб, тажрибанинг охиргача кузатилади. Экзоген кўрғошин ацетатнинг таъсирида эса фермент фаоллигининг индукцияси экспериментнинг 72-соатидан кейин қайд этилди, яъни экзоген фенилгидразин гидрохлориднинг

панкреатик  $\alpha$ -амилаза фаоллигига таъсири экзоген кўрғошин ацетатнинг таъсирига нисбатан яққол ифодаланган.

*Мембрана гидролизи.* Углеводлар мембрана гидролизи ичак дисахаридазалар фаоллигига асосланиб баҳоланди. Аниқландики, эмизикли каламушларга фенилгидразин гидрохлорид ва кўрғошин ацетатларнинг инъекцияси мальтаза фаоллигининг бутун кузатув давомида назорат катталикларга нисбатан ошишига олиб келди. 12 кунлик каламушларда деярли қайд этилмайдиган сахараза ва трегалазанинг фаоллиги гемолитик моддаларнинг таъсирида муддатидан олдин ошиб кетган эди, бироқ кузатувимизнинг охирида бу ферментлар фаоллигининг ошиши уларнинг камайиши билан алмашинди.  $\beta$ -Галактозидаза – лактазанинг фаоллиги эса иккала гемолитик моддалар инъекцияси таъсирида юқори даражада ифодаланди, яъни гемотоксикантлар инъекцияси она сутидан ажралиш вақтида кузатилаётган ёшга боғлиқ лактаза фаоллигининг камайишига тўсқинлик қилган эди.

Шундай қилиб, гемолитик моддаларнинг бир маротабали инъекцияси, токсикант табиатидан қатъий назар, ингичка ичакдаги бўшлиқ ва мембрана гидролизида иштирок этувчи ферментлар фаоллигининг ошишига олиб келади. Гемотоксикантларнинг индукцияловчи эффекти тўрт (сахараза, трегалаза) ёки беш (мальтаза, лактаза) кеча-кундузгача сақланади.

*Ўсаётган каламушларга гемолитик моддаларнинг сурункали берилишининг углеводлар ассимиляциясига таъсири.* Тадқиқотнинг бу қисмида постнатал ҳаётнинг 1-кунидан 48-кунигача сурункали перорал равишда гемолитик моддалар (5 мг/кг) юборилишининг қондаги айрим кўрсаткичлари ҳамда углеводлар бўшлиқ ва мембрана гидролизига таъсири ўрганилди.

*Қон кўрсаткичлари.* Каламушларга гемолитик моддалар сурункали перорал берилганда изланишнинг бошланғич босқичларида эритроцитлар сони ва Hb миқдори назорат катталиклардан ошиши (адаптацион-компенсатор реакцияси) кузатилди. Лекин кейинги босқичларда, қизил қон кўрсаткичларнинг ошиши уларнинг камайиши билан алмашди. Ҳайвонлар постнатал ҳаётининг 48-куни фенилгидразин гидрохлорид ва кўрғошин ацетатлар перорал берилган ҳайвонларда эритроцитлар сони мувофиқ равишда 12,1% га ва 15,1% га, Hb миқдори, эса 22,7% га ва 27,7% га камайди. 48 кунлик каламушларда MetHb нинг миқдори физиологик эритма берилган каламушларга нисбатан фенилгидразин гидрохлорид берилган каламушларда 1,4 баробар, кўрғошинли ацетат берилган каламушларда эса 1,5 баробар ошди.

Демак, гемолитик моддаларнинг сурункали юборилиши назорат кўрсаткичларга нисбатан эритроцитлар сони ва Hb миқдорининг камайишида ҳамда MetHb нинг ошишида ифодаланадиган қоннинг кислород ташиш функциясининг репрессиясига олиб келди.

*Бўшлиқ гидролизи.* Углеводлар гидролизининг дастлабки босқичлари  $\alpha$ -амилаза фаоллигини меъда ости беши тўқимасида (синтез ва тўқимада

фермент концентрацияси), ингичка ичак химусида (секреция) ва қонда (инкрецияси) аниқлаш асосида баҳоланди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўсаётган каламушларга гемолитик моддалар сурункали берилишининг меъда ости беши тўқимаси, ингичка ичак химуси, қонда  $\alpha$ -амилаза фаоллигига таъсири ( $M \pm m$ ;  $n=6-7$ )

Ёши (кунлар)	Берилган моддалар	Тўқима (г/мин/г оқсил)	Химус (мг/мин/мл)	Қон (мг/мин/мл)
12	0,9% NaCl	10,6±1,1	82,3±6,3	0,5±0,03
	C <sub>6</sub> H <sub>8</sub> N <sub>2</sub> *HCl	19,8±1,2***	80,3±6,1	0,6±0,06
	Pb(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub>	17,6±1,1***	79,3±5,2	0,6±0,05
48	0,9% NaCl	99,9±5,8	101,4 ±9,1	2,1±0,2
	C <sub>6</sub> H <sub>8</sub> N <sub>2</sub> *HCl	119,6±6,1*	80,7±4,7*	2,9±0,3*
	Pb(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub>	119,4±4,7**	73,3±3,6**	2,9±0,2**

Изоҳ: \* -P <0,05; \*\* - P <0,01; \*\*\*- P <0,001

*Меъда ости беши тўқимаси.* Жадвалдан кўришиб турибдики, меъда ости беши тўқимасида  $\alpha$ -амилазанинг фаоллиги фенилгидразин гидрохлорид перорал берилган 12 кунлик каламушларда назорат катталиклардан 86,8% га ошди, 48 кунликларда эса, у назорат катталикларга нисбатан 19,7% га ошди. Қўрғошин ацетатнинг таъсирида эса 12 ва 48 кунлик каламушларда ферментнинг фаоллиги мувофиқ равишда 66,0 ва 19,5% га ошди.

*Ингичка ичак химуси.* Лактотроф овқатланиш давридаги (12 кунлик) фенилгидразин гидрохлорид юборилган каламушларда  $\alpha$ -амилазанинг фаоллиги назорат даражасида қайд этилди, мустақил овқатланишга ўтган (48 кунлик) ҳайвонларда эса фермент фаоллиги ичак химусида 20,4% га камайди. Қўрғошин ацетатнинг перорал берилиши 12 кунлик каламушларнинг ичак химусидаги ферментнинг фаоллиги ўзгартирмади, постнатал ҳаётнинг 48-кунда эса ферментнинг фаоллиги 27,7% га камайди.

*Қон.* Сурункали равишда фенилгидразин гидрохлорид ва қўрғошин ацетатлар перорал берилган каламушларда фермент фаоллиги 12 кунлик каламушларнинг қонда назорат даражасида қайд этилди. 48-кунликларда эса иккала гемотоксикантлар таъсирида назоратга нисбатан 38,1% га ошиши кузатилди.

Шундай қилиб, гемолитик моддаларнинг сурункали таъсири меъда ости беши тўқимасида  $\alpha$ -амилаза фаоллигининг ошишига олиб келди. Бунда қўрғошин ацетатнинг сурункали юборилиши ингичка ичак химусида фермент фаоллигининг камайиши негизда гемоциркуляциясида  $\alpha$ -амилаза фаоллигининг ошиши меъда ости бешида патологик жараёнларнинг ривожланишидан далолат беради.

*Мембрана гидролизи.* Углеводларнинг мембрана гидролизи ичак мальтаза, сахараза, лактаза ферментлар фаоллигининг мисолида кўриб чиқилди (2-жадвал).

Ўсаётган каламушларга гемолитик моддалар сурункали берилишининг  
энтерал дисхаридазалар фаоллигига таъсири (мкмоль/мин/г оксил)  
( $M \pm m$ ;  $n=6-7$ )

Ёш (кун)	Берилган моддалар	Мальтаза	Сахараза	Трегалаза	Лактаза
12	0,9% NaCl	43,3±2,1	2,2±0,1	2,3±0,2	55,6±3,3
	C <sub>6</sub> H <sub>8</sub> N <sub>2</sub> *HCl	64,1±4,5***	2,9±0,2**	2,9±0,2*	67,2±3,1*
	Pb(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub>	57,2±4,1***	3,1±0,2**	3,1±0,3*	69,4±4,1**
48	0,9% NaCl	124,9±5,8	34,8±2,0	32,7±2,9	15,3±1,2
	C <sub>6</sub> H <sub>8</sub> N <sub>2</sub> *HCl	89,6±6,3***	28,4±1,9**	25,2±2,0*	18,1±1,2
	Pb(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub>	89,1±5,2***	26,2±2,3**	23,2±2,2**	19,7±0,2**

Изоҳ: \* –  $P < 0,05$ ; \*\* –  $P < 0,01$ ; \*\*\* –  $P < 0,001$

**Мальтаза.** Фенилгидразин гидрохлориднинг перорал берилиши натижасида 12 кунлик каламушларда фермент фаоллиги 48,0% га ошди, 48 кунлик каламушларда эса мальтазанинг фаоллиги ошиши эмас, аксинча, 28,3% га камайиши қайд этилди. Қўрғошин ацетатнинг перорал берилиши 12 кунлик каламушларда ичак мальтаза фаоллигининг 32,1% га ошишига олиб келди. 48 кунлик интоксикацияланган каламушларда эса фермент фаоллигининг ошиши назорат катталикларига нисбатан 28,7% ни ташкил этди.

**Сахараза.** Фенилгидразин гидрохлорид ва қўрғошин ацетатлар сурункали равишда перорал берилиши натижасида 12 кунлик каламушларда мос равишда сахараза фаоллигининг 31,8% ва 40,9% га ошишига олиб келди. Экспериментнинг 48-куни фермент фаоллигининг камайиши фенилгидразин гидрохлорид таъсирида 18,4% ни, қўрғошин ацетат таъсирида эса 24,7% ни ташкил этди.

**Трегалаза.** 12 кунлик каламушларда ферментнинг фаоллиги экзоген фенилгидразин гидрохлорид ва қўрғошин ацетатларга жавобан мувофиқ равишда 26,0% ва 34,8% га назорат гуруҳидаги тенгдошларига нисбатан ошади. Кузатувимизнинг кейинги босқичларида иккала гемолитик модда таъсирида фермент фаоллиги камая бошлайди. Экзоген фенилгидразин гидрохлорид ва қўрғошин ацетатлар таъсирида трегалаза фаоллигининг репрессияси 48 кунлик каламушларда мувофиқ равишда 22,9% ва 29,0% ни ташкил этди.

**Лактаза.** Фенилгидразин гидрохлорид ва қўрғошин ацетатларнинг сурункали перорал берилиши натижасида 12 кунлик каламушларда лактаза фаоллиги мувофиқ равишда 20,9% ва 24,8% га ошди. 48 кунлик каламушларда эса фенилгидразин гидрохлорид сурункали берилганда лактазанинг фаоллиги назорат катталиклари даражасида қайд этилди. Қўрғошин ацетат таъсирида эса энтерал лактаза фаоллигининг назорат гуруҳидаги тенгдошларига нисбатан 28,7% га ошиши кузатилди.


Шундай қилиб, экзоген гемолитик моддалар (фенилгидразин гидрохлорид ва қўрғошин ацетат) энтерал  $\alpha$ -глюкозидазалар фаоллигининг фазази ўзгаришларига олиб келади. Гемолитик моддалар таъсирида

хайвонларда рўй берган  $\alpha$ -глюкозидазалар фаоллигининг индукцияси ферментлар фаоллигининг репрессияси билан алмашинади.

Демак, кимёвий стресснинг дастлабки босқичларида организмнинг энергетик эҳтиёжларини кондиришга қаратилган ва дисахаридазалар фаоллигининг ошишида ифодаланган адаптацион-компенсатор реакцияси, гемотоксикантларнинг сурункали таъсирида энтерал  $\alpha$ -глюкозидазалар фаоллигининг камайишида ифодаланган «холдан тойиш» ҳолатига ўтди дейиш мумкин.

Гемотоксикантлар таъсирида углеводлар ассимиляциясидаги силжишларни ҳазм тизимидаги бошқа кўрсаткичлари билан сабаб-оқибат алоқаларини аниқлаш учун токсик анемияда ҳазм органларининг гистологик, биокимёвий ва микробиологик кўрсаткичлари кўриб чиқилди.

*Меъда ости бези ва ингичка ичак гистоструктураси.* Назоратдаги хайвонларнинг меъда ости бези тўқимасидаги ацинуслар бир-биридан ретикуляр толалар билан ажралиб туради. Фенилгидразин гидрохлорид перорал берилган каламушлар ацинар хужайраларда шиш, яъни суюқликнинг йиғилиши (вакуолизация) кузатилади. Перорал равишда кўрғошин ацетат қабул қилган каламушлар меъда ости безининг ацинусларда деструктурланиши, вакуолизацияси ва агломерацияси, яъни тўқима яхлитлигининг бузилиши намоён бўлди (1-расм).




**1-расм.** Ўсаётган каламушларга гемолитик моддалар сурункали берилишининг меъда ости бези гистоструктурасига таъсири (буёқ - гематоксилин эозин (x400, микроскоп DN-300M)

Демак, фенилгидразин гидрохлорид ва кўрғошин ацетатларнинг перорал берилиши меъда ости бези тўқимасининг деструктурланишига олиб келади. Бундай деструктурланиш кўрғошин ацетат берилган хайвонларда фенилгидразин гидрохлорид берилган хайвонларга нисбатан кўпроқ ифодаланган.

Ичак ворсинкалари, назорат гуруҳидаги каламушларда киприксимон хошия структурасини ифодалаб, бир-бирига нисбатан параллел жойлашган. Фенилгидразин гидрохлорид сурункали перорал берилган каламушларда ингичка ичакнинг гистологик препаратида ворсинкалар баландлигининг камайиши ва эпителиоцитларнинг ичак бўшлиғига экстрезияси кузатилади. Каламушларга кўрғошин ацетат сурункали перорал берилганда ичак мукозаси микроструктурасида ворсинкалар баландлигининг камайиши,

деструктурланиши ва эпителиоцитларнинг ингичка ичак бўшлиғига десквамацияси кўпроқ ифодаланган (2-расм).



**2-расм. Ўсаётган каламушларга гемолитик моддалар сурункали берилишининг ингичка ичак гистоструктурасига таъсири** (буёқ - гематоксилин эозин (x40, микроскоп DN-300M)

Демак, гемолитик моддаларнинг сурункали таъсири ўсаётган каламушлар ичак мукозасининг структурасини (ворсинкалар ва микроворсинкалар) деярли тўла издан чиқаради. Келиб чиққан ичак шиллик қаватининг гипотрофияси экзоген кўрғошин ацетатнинг таъсирида экзоген фенилгидразин гидрохлорид таъсирига нисбатан яққол ифодаланган.

*Малон диальдегид миқдори ва каталаза фаоллиги.* Токсик анемияда малон диальдегид миқдори ва каталаза фаоллигининг ўзгариши бўйича натижалар 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

**Ўсаётган каламушларга гемолитик моддалар сурункали берилишининг меъда ости бези ва ингичка ичакда малон диальдегид миқдори ва каталаза фаоллигига таъсири (M±m; n=6-7)**

Еш (кунлар)	Берилган моддалар	Малон диальдегид (мкмоль/г оксил)		Каталаза (мкмоль/с/г оксил)	
		Меъда ости бези	Ингичка ичак	Меъда ости бези	Ингичка ичак
12	0,9% NaCl	0,44±0,01	0,33±0,01	0,31±0,03	3,4±0,3
	C <sub>6</sub> H <sub>8</sub> N <sub>2</sub> *HCl	0,64±0,04***	0,65±0,04***	0,56±0,45***	6,8±0,4***
	Pb(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub>	0,71±0,01***	0,78±0,01***	0,66±0,04***	7,6±0,5***
48	0,9% NaCl	0,61±0,04	0,62±0,05	0,41±0,04	4,5±0,03
	C <sub>6</sub> H <sub>8</sub> N <sub>2</sub> *HCl	1,06±0,03***	1,28±0,06***	0,22±0,02***	2,8±0,02***
	Pb(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub>	1,28±0,02***	1,43±0,08***	0,21±0,02***	2,7±0,03***


Изоҳ: \* – P < 0,05; \*\* – P < 0,01; \*\*\* – P < 0,001

*Малон диальдегид.* 3-жадвалда кўрсатилганидек, фенилгидразин гидрохлорид ва кўрғошин ацетатларнинг сурункали перорал берилиши ҳам 12 кунлик, ҳам 48 кунлик каламушларда меъда ости бези ва ингичка ичак тўқимасида малон диальдегид миқдорининг кескин ошишига, яъни липидли перекисли оксидланиш жараёнининг фаоллашувига олиб келди.

*Каталаза.* 12 кунлик каламушларга сурункали равишда фенилгидразин гидрохлорид берилиши каталаза фаоллигининг меъда ости бези тўқимасида

80,6% га, ингичка ичак тўқимасида эса 100,0% га ошишига олиб келди. Қўрғошин ацетатнинг таъсирида эса 12 кунлик каламушларда меъда ости беши ва ингичка ичакда катализаторнинг фаоллиги мувофиқ равишда 112,9 ва 123,5% назорат катталикларга нисбатан ошиши кузатилди. 48 кунлик каламушларда экзоген фенилгидразиннинг таъсирида катализа фаоллигининг ошиши эмас, аксинча, камайиши кузатилди. Фенилгидразин гидрохлориднинг перорал берилиши 48 кунлик хайвонларда меъда ости бешида фермент фаоллигининг 46,3%, ингичка ичакда эса 37,8% назорат катталиклардан камайишига олиб келди. Шу ёшдаги хайвонларда қўрғошин ацетатнинг сурункали берилиши катализаторнинг фаоллиги меъда ости бешида 48,8% га, ингичка ичагида эса 40,0% га камайишини келтирди. Яъни мембраналар липид структурасини бузувчи фаол кислород шаклларининг ҳосил бўлишига тўқинлик қилувчи химоя механизмлари сурункали равишда гемолитик препаратлар берилганда кескин камайди.

*Йўғон ичакнинг кўрсаткичлари.* 48 кунлик каламушларда фенилгидразин гидрохлорид берилган каламушларда йўғон ичак массаси 1,2 баробар, қўрғошин ацетат берилганларда эса ичак массаси назорат катталикларга нисбатан 1,4 марта ортди. Ичак узунлиги эса иккала гемолитик препаратнинг таъсирида 1,2 баробар ортди.



3-расм. Ўсаётган каламушларга гемолитик моддалар сурункали берилишининг йўғон ичак ташқи кўринишига таъсири

Яъни токсик анемияга чалинган каламушларда йўғон ичак гипертрофияси (мегаколон) кузатилади (3-расм). Бундан ташқари тажриба гуруҳидаги каламушлар йўғон ичагида нажас массасининг тўпланиб қолиши назорат гуруҳидakilарга нисбатан яққол ифодаланган.

Йўғон ичакдаги стази нажас массаларининг тўпланиб ва қотиб қолиши (копростаз) иккиламчи интоксикацияга олиб келади. Шунинг учун табиий равишда токсик анемияда ичак муҳити ўзгарганлиги туфайли энтерал микрофлорада ҳам дисбаланс кузатилиши мумкин.

*Микрофлора.* Бифидобактериялар, стрептококклар ва эшерихаларнинг миқдори назорат ва тажриба гуруҳидаги каламушларда бир хил даражада қайд этилди. Бироқ лактобактерияларнинг сони, фенилгидразин гидрохлорид перорал берилган каламушларда назоратга нисбатан ўзгармасида, қўрғошин ацетат перорал берилган хайвонларда 17,4% га камайди. Бундан ташқари, иккала гемотоксикантнинг сурункали берилиши кандидалар сонининг ортишига олиб келди (4-жадвал).

**Ўсаётган каламушларга гемолитик моддалар сурункали берилишининг йўғон ичакдаги микрофлора миқдорига (КХБ) таъсири (M±m; n=6-7)**


Микроорганизмлар	Берилган моддалар		
	0,9 % NaCl	C <sub>6</sub> H <sub>8</sub> N <sub>2</sub> *HCl	Pb(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub>
Bifidobactrum	(22,4±1,3)*10 <sup>8</sup>	(19,9±0,3) *10 <sup>8</sup>	(21,2±2,1)*10 <sup>8</sup>
Lactobacillis	(4,6±0,3)* 10 <sup>6</sup>	(4,2±0,2)* 10 <sup>6</sup>	(3,8±0,2)* 10 <sup>6</sup>
Escherichia coli	(6,23±0,5) *10 <sup>3</sup>	(6,6±0,4) *10 <sup>3</sup>	(6,9±0,6)*10 <sup>3</sup>
Staphylococcus	(1,1±0,2) *10 <sup>3</sup>	(1,3±0,1)*10 <sup>3</sup>	(1,2±0,1)*10 <sup>3</sup>
Candida	(2,2±0,2)*10 <sup>3</sup>	(2,5±0,2)*10 <sup>3</sup> **	(3,4±2,4)*10 <sup>4</sup> ***

Изоҳ: \* –P <0,05; \*\* - P <0,01; \*\*\*- P <0,001

Шундай қилиб, сурункали равишда ўсаётган каламушларга гемолитик моддаларнинг берилиши йўғон ичак гипертрофиясига, копростазга ва йўғон ичагида лактобациллалар сонининг камайиши ва кандидалар сонининг кўпайишида ифодаланган дисбиозга олиб келди.


*Кўрғошинли интоксикацияда пектин ва экдистероннинг углеводлар ассимиляциясига коррекцияловчи таъсири.* Углеводларнинг бошланғич ва сўнгги ҳазм қилиш босқичларини коррекциялаш учун кўрғошинли интоксикация негизда ҳайвонларга ҳар куни постнатал ҳаётнинг 36-кунидан бошлаб 48-кунгача, яъни кузатувимизнинг охиргача, пектин (400 мг/кг) ва экдистерон (2 мг/кг) перорал равишда берилди.

*Бўшлиқ гидролизи.* Ўсаётган каламушларга кўрғошин ацетатнинг сурункали берилиши меъда ости беши ва қонда α-амилаза фаоллигининг ошишига ва фермент секрециясининг камайишига олиб келди. Интоксикация негизда ҳайвонларга пектиннинг перорал берилиши фермент секрецияси ва инкрециясининг тўла меъёр катталикларгача тиклади. Интоксикацияланган ҳайвонларга экдистероннинг берилиши ингичка ичак химусида α-амилаза фаоллигининг назорат катталикларгача яқинлашди, аммо қонда фермент фаоллиги назоратга нисбатан анча юқори даражада сақланиб қолди (4-расм).



**4-расм. Токсик анемия негизда ўсаётган каламушларга пектин ва экдистероннинг меъда ости беши тўқимаси, ингичка ичак химуси ва қонда α-амилаза фаоллигига таъсири (M±m; n=6-7). Изоҳ: \*-P <0,05; \*\* - P <0,01; \*\*\*- P <0,001.**

*Мембрана гидролизи.* Қўрғошин ацетатнинг сурункали таъсири ичак  $\alpha$ -глюкозидазалар (мальтаза, сахараза, трегалаза) фаоллигининг камайишига ва энтерал лактаза фаоллигининг ортишига олиб келди. Қўрғошинли анемия негизида каламушларга пектиннинг берилиши барча энтерал дисахаридазалар фаоллигининг тўла тикланишига олиб келди. Интоксикацияланган каламушларга экдистероннинг берилиши натижасида  $\alpha$ -глюкозидазалар фаоллиги меъёрлашди,  $\beta$ -галактозидаза - лактазанинг фаоллиги эса, меъёр катталикларидан юқорироқ даражада қайд этилди (5-расм).



**5-расм. Токсик анемия негизида ўсаётган каламушларга пектин ва экдистероннинг энтерал дисахаридазалар фаоллигига таъсири (M±m; n=6-7)**

*Изоҳ:* \*- P < 0,05; \*\* - P < 0,01; \*\*\*- P < 0,001

Шундай қилиб, нокрахмал полисахарид - пектин ва фитоэkdистероид экдистерон панкреатик карбогидразалар гомеостазига ва энтерал дисахаридазалар фаоллигига коррекцияловчи таъсир кўрсатади, яъни ингичка ичагининг углеводларга нисбатан гидролитик сиғимини оширади.

*Морфометрик кўрсаткичлар.* Қўрғошин ацетат билан интоксикацияланган каламушларда тана массаси 10,1% га, ингичка ичак массаси эса 10,9% га камайди. Жигар ва меъда ости безининг массалари эса аксинча, мувофиқ равишда 16,1 ва 18,8% га ошди. Токсик анемияли каламушларга иккала фитопрепаратнинг перорал берилиши хазм органларининг морфометрик кўрсаткичларини назорат катталикларигача яқинлаштирди (5-жадвал).

**Токсик анемия негизда ўсаётган қаламушларга пектин ва экдистероннинг тана ва ҳазм аъзолари массасига таъсири (M±m; n=6-7)**

Кўрсаткичлар	Назорат	Pb(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub>	Pb(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub> + пектин	Pb(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub> + экдистерон
Тана массаси (г)	69,4±2,1	62,4±1,6**	67,7±2,7	66,4±2,1
Жигар массаси (мг)	2335,1±106,2	2712,1±135,2*	2369,2±111,1	2411,5±135,2
Меъда ости беzi массаси (мг)	287,1±11,1	341,1±16,9**	318,1±11,2	333,9±12,5*
Ингичка ичак массаси (мг)	1211,1±61,1	1079,1±57,4*	1244,1±96,9	1199,1±109,1

Изоҳ: \* -P <0,05; \*\* - P <0,01; \*\*\*- P <0,001

Токсик анемия экологик ноқулай ҳудудларда қишлоқ хўжалик ҳайвонлар ўртасида кенг тарқалганлиги туфайли иккала коррекцияловчи препаратларнинг экологик ноқулай бўлган Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги «Бунёдбек-паррандачи» фермер хўжалигида бройлер жўжаларнинг (Росс 308) тана ва ҳазм органлари ўсиш суръатларига таъсири ўрганилди (6-жадвал).

**Пектин ва экдистероннинг жўжалар тана ва ҳазм аъзолари массаси ҳамда ўсиш суръатларига таъсири (M±m; n=7)**

Кўрсаткичлар	Назорат	Пектин	%	Экдистерон	%
Гемоглобин (г/л)	72,1±2,9	81,9±3,2*	113,6	79,2±2,2*	109,8
Тана массаси (г)	499,7±8,3	549,2±9,1*	109,9	503,2±21,7	100,7
Меъда ости беzi массаси (г)	2,4±0,1	2,3±0,2	95,8	2,5±0,2	104,2
Ичак узунлиги (см)	147,0±7,1	141,1±11,3	96,0	149,8±10,1	101,9
Ичак массаси (г)	39,9±3,2	48,2±1,3	120,8	43,3±8,1	108,5
Кунлик ўсиш (г)	22,4±1,7	24,2±1,4	108,0	23,4±1,4	105,5
Ялпи ўсиш (г)	251,1±7,9	277,3±1,7*	110,4	256,1±16,7	102,0

Изоҳ: \* -P <0,05; \*\* - P <0,01; \*\*\*- P <0,001

Кузатишлар кўрсатдики, экологик ифлосланган ҳудудларда боқилаётган интакт жўжаларда (назорат гуруҳи) гемоглобин миқдори меъёр катталиклардан 10-20% кам (меъёрда 80-90 г/мл). 10 кун давомида жўжаларга пектиннинг перорал берилиши гемоглобин миқдорини 13,6% га, тана массасини 9,9% га, ингичка ичак массасини 18,3% га, ялпи ўсиш суръатларини эса 10,0% га ортишига олиб келди. Ўсаётган жўжаларга ҳудди шу муддатларда экдистероннинг перорал берилиши гемоглобин миқдорини меъёрлаштира ҳам, жўжалар ўсиш суръатларига сезиларли даражада таъсир этмади.

Шундай қилиб, қисқа муддатли токсик анемияда углеводлар ассимиляциясида иштирок этувчи ферментлар комплекси (α-амилаза, сахараза, мальтаза, трегалаза, лактаза) фаоллигининг сафарбар этилиши углевод гидролитик тизимларнинг стресс ҳолатига адаптацион-компенсатор

реакцияси сифатида ифодаланган. Гемолитик моддаларнинг сурункали таъсири эса панкреатик ва энтерал етишмовчиликлар, дисбиоз, мегаколон, копростаз ва ривожланаётган организмнинг тана массасининг камайишига сабаб бўлмоқда. Озукага пектин ва экдистерон сингари адаптоген, стресспротектор ва антидот хоссаларга эга бўлган моддаларнинг кўшилиши организмни ташқи муҳит билан боғловчи энг муҳим занжирларидан бири бўлган - овқат ҳазм қилиш йўлидаги углеводлар ҳазм бўлишидаги негатив силжишларни меъёр катталикларга яқинлаштирди. Мазкур ҳолатни экологик жиҳатдан ифлосланган ҳудудларга инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

## ХУЛОСАЛАР

1. Фенилгидразин гидрохлорид ёки кўрғошин ацетатларнинг бир маротабалик инъекцияси ўсаётган каламушларда меъда ости беши  $\alpha$ -амилазаси ва ингичка ичак карбогидразалари - мальтаза, сахароза, трегалаза ва лактазалар фаоллигининг ошишида ифодаланувчи адаптацион-компенсатор реакция ривожланишига олиб келади. Гемолитик моддаларнинг карбогидразалар фаоллигига индукцияловчи таъсири 96-120 соат давомида сақланади.

2. Гемотоксикантларнинг сурункали таъсири ингичка ичак химусида  $\alpha$ -амилаза фаоллигининг камайиши негизида меъда ости беши тўқимаси ва қонда фермент фаоллигининг ошишига олиб келади. Меъда ости беши секрециясининг камайиши ва инкрециясининг ошиши панкреатик етишмовчиликдан далолат беради.

3. Гемолитик моддаларнинг сурункали таъсирида ўсаётган каламушлар энтерал  $\alpha$ -глюкозидазалар (мальтаза, сахароза, трегалаза) фаоллигининг ошишида ифодаланувчи адаптацион-компенсатор реакцияси фермент фаоллигининг барқарор репрессияси билан алмашади. Демак, давомли токсик анемияда «дефинитив» углеводларга нисбатан ингичка ичакнинг гидролитик сифими кескин камаяди.

4. Сурункали токсик анемияда ўсаётган каламушлар тана ва ингичка ичак массасининг камайиши, меъда ости беши ва жигар массасининг ошиши билан намоён бўлади. Ундан ташқари, ҳазм органларида липидли перекисли оксидланишнинг фаоллашуви, ацинус хужайраларининг агрегацияси, вакуолизацияси ва деструктурланиши, ингички ичак шиллиқ қаватида ворсинкалар гипотрофияси ва эпителиоцитларнинг десквамацияси ҳамда йўғон ичакда мегаколон, дисбактериоз ва копростазлар қайд этилади.

5. Токсик анемияли ўсаётган ҳайвонларга пектин ва экдистероннинг перорал берилиши меъда ости беши секрецияси ва инкрецияси, мембранага боғлиқ бўлган дисахаридазалар фаоллиги, яъни ингичка ичакнинг углеводларга нисбатан гидролитик сифимини, ва ҳайвонлар ўсиш суръатларини назорат катталикларигача яқинлаштиради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.29.12.2018.B.01.13 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИОФИЗИКИ И  
БИОХИМИИ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
УЗБЕКИСТАНА**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**КУДЕШОВА ГУЛЧЕХРА ТЕНГЕЛБАЕВНА**

**АССИМИЛЯЦИЯ УГЛЕВОДОВ В ТОНКОЙ КИШКЕ  
РАСТУЩЕГО ОРГАНИЗМА ПРИ ТОКСИЧЕСКОЙ АНЕМИИ**

**03.00.08 – Физиология человека и животных**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент -2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.1.PhD/B148.**

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета [www.ibb-nuu.uz](http://www.ibb-nuu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Кучкарова Любовь Салижановна</b> доктор биологических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Курбонов Шониёз Курбанович</b> доктор биологических наук, профессор
	<b>Саидов Аълонур Бахтинурович</b> доктор медицинских наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Самаркандский государственный университет</b>

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.29.12.2018.B.01.13 при Институте биофизики и биохимии, Национальном университете Узбекистана Адрес: 100174, г.Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, Университетская, 174 (Здание факультета химии Национального университета Узбекистана, 4-й этаж). Тел.: (+99871) 246-68-96.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биофизики и биохимии при Национальном университете Узбекистана (зарегистрировано под № \_\_\_\_). Адрес: 100174, г.Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, Университетская, 174. Тел.: (+99871) 246-68-96, e-mail: [ibb-nuu@mail.ru](mailto:ibb-nuu@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019 г.  
(реестр протокола рассылки № « \_\_\_\_ » от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019).

**Сабиров Равшан Заирович**  
Председатель Научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.б.н., академик

**Асраров Музаффар Исламович**  
Учёный секретарь Научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.б.н., профессор

**Рахимова Турахон Узаковна**  
Председатель Научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время во всё мире подверженность населения анемии в регионах с повышенной антропогенной нагрузкой увеличивается<sup>3</sup>. Большинство вызывающих анемию токсикантов окружающей среды, будучи в составе пищи и питьевой воды, влияют на структуру и функции пищеварительного тракта. При гемотоксикации основным экзогенным источником мобилизации энергетических ресурсов являются углеводы, поступающие в составе пищи. В этой связи исследование динамики переваривания углеводов при токсической анемии, и коррекция негативных функциональных сдвигов посредством использования пищевых добавок имеет важное научное и практическое значение.

В мировой научно-исследовательской практике в настоящее время, выявлено, что слизистая тонкого кишечника является чрезвычайно чувствительной к различным химическим воздействиям структурой. В этом отношении под воздействием гемолитических веществ выявлено развитие мальнутриции, мальдигестии и мальабсорбции, изменение градиента распределения гидролаз тонкой кишки, активизация перекисного окисления в эпителиоцитах. Освещено значение сдвигов энергетического гомеостаза в механизмах токсичности гемолитических веществ на молекулярном уровне.

В Узбекистане в настоящее время разработаны шикоромасштабные комплексные мероприятия по борьбе с анемией, внедрению которых уделяется особое внимание. В Стратегии действий Республики Узбекистан, поставлены задачи<sup>4</sup> «... дальнейшей реализации комплексных мер по укреплению здоровья семьи, охраны материнства и детства, расширения доступа матерей и детей к качественным медицинским услугам, оказания им специализированной и высокотехнологичной медицинской помощи, снижения младенческой и детской смертности». В реализации этих задач большое научное и практическое значение имеет фундаментальное обоснование ассимиляции углеводов при токсической анемии растущего организма и выявление способов коррекции нарушений патологии.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий Республики Узбекистан» № УП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» и других нормативно-правовых документах, связанных с решением проблем страны в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Данное исследование выполнено в

<sup>3</sup> Honda. T., Pun Y.C., Manjourides I., Suh H. Anemia Prevalence and Hemoglobin Levels are Associated with Long-Term Exposure to Air Pollution in an Older Population// Environ. Int. - 2017. - V. 101. : - P. 125–132.

<sup>4</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

соответствии с приоритетным направлением VI «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** В последние годы уделяется большое внимание исследованию влияния гемолитических веществ на различные функциональные системы организма. А. Gomollon, J.P. Gisbert (2009) доказано, что между токсической анемией и заболеваниями желудочно-кишечного тракта (мальабсорбция, мальдегистия, мальнутриция и др.) имеются причинно-следственные связи. Влияние гемолитических веществ на эритропоэз, осмотическую устойчивость эритроцитов, функциональные особенности иммунной, дыхательной и выделительной систем исследовано достаточно широко (Назаров, 1995; Лазарева и др., 2003; Шпакова, 2009; Аумолдаева, 2016), увеличиваются исследования, направленные на коррекцию негативных сдвигов при интоксикации (Старченков и др., 2010; Anwar et al., 2013).

В республике под руководством Б.А. Садыкова выявлено влияние солей свинца, кадмия и мышьяка на проксимо-дистальное распределение кишечных карбогидраз у растущих, взрослых и старых крыс, и коррекции патологических сдвигов, наблюдаемых при интоксикации, высокобелковой диетой (2009; 2011; 2014). Н.А. Эргашевым и др. (2010; 2011) было выявлено, что ионы кадмия, проявляющие гемотоксические свойства, приводят к увеличению массы поджелудочной железы, содержания белка и  $\alpha$ -амилолитической активности в ткани органа и уменьшение секреции фермента. Такие сдвиги у самок более выражены, чем у самцов.

